

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУАЗИМОВА ЗАРИНА АМИРОВНА

**ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЭКОЛОГИК АХЛОҚНИ
ШАКЛЛАНТИРИШГА КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Этика)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Абдуазимова Зарина Амировна

Глобаллашув жараёнида экологик ахлоқни шакллантиришга концептуал ёндашув3

Абдуазимова Зарина Амировна

Концептуальный подход к формированию экологической нравственности в процессе глобализации27

Abduazimova Zarina Amirovna

Conceptual approach to the formation of ecological ethics in the process of globalization44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of publications

Список опубликованных работ 48

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУАЗИМОВА ЗАРИНА АМИРОВНА

**ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЭКОЛОГИК АХЛОҚНИ
ШАКЛЛАНТИРИШГА КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Этика)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fal 119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ((ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурматова Мукарам Аҳмедовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар::

Саифназаров Исмоил Саифназарович
фалсафа фанлари доктори, профессор
Бердимуратова Алима Карлибаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.F.01.05- рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Эргашев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, сиёсий
фанлари доктори, профессор

Г.М.Рузматова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
фанлари доктори, профессор

О.Д.Нишоновна

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугун экологик муаммоларнинг кескинлашуви ва глобаллашуви натижасида экологик танглик рўй бермоқда. Шу боис, экологик муаммоларнинг туб илдизларини аниқлаш ва бартараф этиш ҳаётий заруратга айланмоқда. «Табиат-жамият-инсон» муносабатларида табиий атроф-муҳит ва ижтимоий борлиқни («оммавий» маданият таҳдидидан муҳофаза қилиш зарурияти), инсоннинг глобал экологик ахлоқ нормалари асосида ижтимоийлашув жараёни мазмун-моҳиятини ташкил қилади. Зеро, ҳар қандай тарихий даврда экологик ахлоқнинг универсаллиги, жамият маданий-маънавий тараққиёти даражасини белгилашда асосий мезон бўлган. Айниқса, ҳозирги даврда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, мафкуравий ва бошқа муносабатлар: интеграциялашуви, глобаллашуви, фан-техника, технология инқилоби, урбанизация жараёни, ахборот босими кучайган шароитида, инсоннинг табиатдан экологик бегоналашуви, умуман ахлоқ, хусусан экологик ахлоқ парадигмалари ўзгариши, халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларни янги ахлоқий мезонлар билан баҳолашни тақозо қилмоқда.

Дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларида экологик муаммолар, жумладан, экологик ахлоққа оид кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадқиқотчилар экологик муаммо турлари, «табиат-жамият-инсон» муносабатлари, экологик ахлоқий нормалар, умуминсоний тамойилларнинг назарий-методологик жиҳатлари, экологик дунёқараш муаммоларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, University of Plymouth UK (Англия)да инсоннинг табиатга ахлоқий муносабатини ривожлантириш, жамиятга соғлом турмуш тарзи таъсирини асослаш, National Institute Health (АҚШ)да шахснинг экологик онги шаклланишида табиат ҳақидаги илк билимлар, кадрият ва маданиятнинг амалий жиҳатларини ифодалаш, National Chiayi University (Тайвань)¹да шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда психологик, сиёсий омиллар, педагогик асослар ва аксиологик жиҳатларнинг экологик маданий хусусиятлари ўрганилмоқда. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф муҳит ҳақидаги дастури, ЮНЕСКОнинг халқаро лойиҳаларида экологик муаммолар ечими изланмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда юзага келган экологик муаммолар ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор экологик вазиятни қарор топтириш, табиий атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш ва трансмиллий табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, барқарор экологик хавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. «Энг муҳим масала—аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл

¹ <http://www.kiitedu.in/> <http://vuz.edunetwork.ru> <http://www.rd.ccu.edu.tw>; <http://www.msui.e.ru>

билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин».²

Шу жиҳатдан экологик муаммолар ечимига миллий кадриятлар ҳамда умуминсоний манфаатлар асосида ёндашиш, мазкур масала ечимини излашда глобал экологик инқиروزларни олдини олишга қаратилган қонуниятлари ва механизмларини фалсафий-ижтимоий нуқтаи назардан очиб беришда долзарб вазифасига айланмоқда.

Ўбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-5024-сон Фармони, 2017 йил 18 январдаги «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» ПҚ-2731-сон, 2017 йил 21 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2915-сон қарорларида белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экология, экологик маданият ва экологик ахлоқ масалалари «Авесто», «Қуръони карим» ва бошқа жаҳон ҳамда миллий динларнинг муқаддас ёзувларида, Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари асарларида келтириб ўтилган. Жумладан, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Форобий асарларида экологик ахлоқ, экологик тарбия масалалари ўрганилган. Шунингдек, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Яссавий асарларида экологиянинг ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий жиҳатлари очиб берилган.

Хорижлик файласуфлар И.Кант, Г.Гегель, И.Г.Фихте, Ф.Шеллинглар муаммонинг ижтимоий-фалсафий, сиёсий-ҳуқуқий, методологик жиҳатларини тадқиқ этган бўлсалар, М.Вебер, В.И.Вернадский, О.Леопольд, А.Швейцерлар экологиянинг замонавий муаммоларини ўрганганлар. Улар назарияларига кўра, тирик мавжудотлар ва экотизимларга истеъмолчилик нуқтаи назаридан эмас, балки ўз турига мансуб жонли ҳодиса сифатида қараш лозим.³ МДХ давлатлари хусусан, Россия ва Белоруссия олимлари В.Е.Борейко,⁴ В.И.Кучеравин, Р.Г.Апресян, А.А.Сычев⁵, А.С.Прокъев,

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2018. – 570 б.

³ Альберт Швейцер. Благоговение перед жизнью, Available from: https://www.researchgate.net/publication//Blagogovenie_pered_ziznu_A_Svejcera_kak_princip_sovremennoj_ekologiceskoj_etiki [accessed 2020]

⁴ Борейко В. Е. Прорыв в экологическую этику. Борейко, В. Е. Прорыв в экологическую этику // В.Е.Борейко. – Киев: КЭКЦ, 2013. – 168 с.

Т.В.Мишаткина экологик ахлоқий муносабатларнинг асосий шаклланиш механизмларини ишлаб чиқишга эътибор қаратганлар. Жумладан, Р.Г.Апресян⁶ тадқиқотида атроф муҳит масаласида ахлоқнинг антропоцентризм ва нонантропоцентризм диалеммаси муҳим ўрин эгаллайди. Т.В.Мишаткина ўз эътиборини экологик ахлоқнинг инсонпарварлик тамойилларини барқарор ривожлантириш ва уларни таълим тизимига жорий этишда касбий тайёргарликнинг назарий ва услубий асосларини яратишга қаратади.⁷ Қозоғистон олимлари В.И.Медведев, А.А.Алдашевалар ўз тадқиқотларида экологик дунёқарашни шакллантириш ҳамда шу асосда экологик ахлоқий муносабатнинг ҳуқуқий негизлари ва қоидаларига бўйсундириш масаласини ўрганишган.⁸ Ж.О.Жилбаев, Л.В.Моисеевалар фикрича, экологик таълимнинг таърифлари ва тарбия масалалари концепцияси, экологик таълим тизим ва стратегиялари «экологик маданият» тушунчаларида акс этирилади ва асосланади, бу эса, ўз навбатида, «экологик маданият» тушунчаси кўламини кенгайтиради. Озарбайжон вакиласи Н.И.Керимова ўз қарашларида экологик ахлоқнинг умумий хусусиятини аниқлашга ҳаракат қилган.⁹

Ўзбекистонлик олимлардан А.Н.Нигманов, Т.Қ.Кўйлиев, Д.Р.Расилов, С.Мамашокиров, Ю.Ш.Шодиметов, Э.С.Ҳошимова А.К.Бердимуротовалар экология ва экологик тарбия, экологик маданият ва ижтимоий экологик барқарорлашув, касбий экологик маҳорат каби муаммолар ечимини ўрганишган. А.Т.Қулдошев халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашуви ва уни бошқариш институтлари тизимининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Х.А.Джуракулов тадқиқотларида экологик ҳуқуқий онгнинг ижтимоий онг шакли сифатидаги ўрни ва ўзига хос хусусиятларининг амалий кўрсатмалари ишлаб чиқилган¹⁰. А.К.Айтматов илмий изланишида шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантириш билан экологик онгнинг ривожланиш даражалари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳақидаги муқобил фалсафий таълимотлар қиёсий таҳлил қилинган. Ш.Б.Саманова илмий тадқиқоти эса экологик толерантлик жараёнини назарий жиҳатдан англашга қаратилган

⁵ Environmental ethics as a form of integration of natural sciences with humanities S. Sprincean, A. A. Sychev Institute of Legal and Political Study under Academy of Sciences of Moldova, Kishinev, Republic of Moldova, Интеграция образования. – 2015. – Т. 19, № 3. – С. 100–107. DOI: 10.15507/Inted.080.019.201503.100

⁶ Апресян. Р.Г. Экологическая этика. The HESP Regional Seminar for Excellence in Teaching. Развитие этического образования в высшей школе. III Летняя школа г. 2006

⁷ Мишаткина Т.В. Концептуальная модель эколого-этического образования в контексте инициатив Юнеско <http://www.iseu.by/rus/science/projects/ecoethics/> <http://www.unesco.ru/rus/articles/2004/ampar14012009131644.php>

⁸ Медведев В.И., Алдашева А.А. Экологическое сознание. Учебное пособие. Изд. второе, доп. – Москва: Логос, 2001.

⁹ Керимова Н.И. (Бакинский государственный университет, Азербайджан). Концепции экологической этики. <http://naukarus.com/j/sovremennye-gumanitarnye-issledovaniya> 2009

¹⁰ Джуракулов Х.А. Ёшларнинг экологик ҳуқуқий онгини шакллантириш жараёни. Фалс. фан. номз. диссертацияси. – Т., 2018.

асосий методологик ёндашувларни ажратиб олиш, уларни тавсифлаш ва тизимлаштиришга қаратилган¹¹.

Глобаллашув жараёнида экологик ахлоқнинг шаклланиши, табиатга бўлган ахлоқий муносабатлар ва уларга концептуал ёндашув масалалари яхлит монографик тадқиқот сифатида ўрганилмаганлиги мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув жараёнида «экологик ахлоқ» тушунчасини моҳиятини, экологик ахлоқ феномени шаклланиши ривожланишини қонуниятлари ва механизмларини фалсафий-ижтимоий нуқтаи назардан очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«экологик ахлоқ» тушунчасининг илмий-методологик асосини, фалсафий хусусиятларини аниқлаш;

экологик муаммоларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсир йўналишлари ва оқибатларини белгилаб олишда экологик ахлоқий муносабатларнинг ўрнини асослаш;

экологик ахлоқий муносабатларни фаоллаштиришда экологик маданиятли шахс тушунчасини таснифлаш;

экологик ахлоқий муносабатларни миллий аксиологик тамойиллар нуқтаи назаридан жамият манфаатлари доирасида ривожлантиришда таъсир кучини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объектини глобаллашув жараёнида экологик ахлоқ ва унинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети экологик ахлоқнинг ривожланиш қонуниятлари ҳамда тамойилларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда объективлик, тизимлилик, киёсий таҳлил, анализ ва синтез, кузатув каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экологик ахлоқ табиат билан инсон ўртасидаги мувозанатни шакллантирувчи муҳим омил эканлиги ҳамда табиат компонентларига салбий таъсир қилувчи саноатни ривожланиши оқибатидаги техноген ҳамда инсон таъсири натижасидаги антропоген омилларни бартараф этишда виждон, бурч, адолат каби ахлоқий категорияларнинг муҳимлиги фалсафий жиҳатдан асосланган;

табиат билан инсон ўртасидаги уйғунликни таъминлашда экологик танглик, ҳалокатларнинг олдини олишга хизмат қиладиган жамиятнинг ҳар

¹¹ Саманова Ш.Б. Экологик толерантликнинг ижтимоий-фалсафий асослари. Фалс. фан. номз. диссертацияси– Т., 2019.

бир аъзосида ахлоқий масъулият, маданиятни ошириш, инсон ўзи ва табиат олдидаги бурчини англай олиш жавобгарлигини ҳис этиш зарурлиги коэволюция ва инвойроментализм каби фалсафий назариялар орқали очиб берилган;

замонавий экологик маданиятга эга шахсни тарбиялашда табиатдаги гўзаллик ва улуғворликнинг намоён бўлиши экологик ахлоқни шакллантиришга таъсир этувчи, экологик дунёқарашни намоён қилувчи, табиатга оқилона муносабатни акс эттирувчи асосий таъсир воситаси эканлига ва оиладаги экологик тарбия, экологик таълим, ижтимоий муҳит, билан боғлиқ омиллари очиб берилган;

глобаллашув жараёнида экологик ахлоқни шакллантиришда масъулият тамойилининг инсониятда ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, унинг турли халқларда турли хил кўринишларда шаклланганлиги, ундаги умумийлик ва алоҳидалик, миллий маданият, миллий мерос ва қадриятлар билан боғлиқлиги фалсафий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«Ўзбекистонда экологик вазиятни барқарорлаштиришнинг муҳим омили ва атроф муҳит экология масаласидаги асосий муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари» номли социологик тадқиқот натижалари мониторинги ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда экологик вазиятни барқарорлаштириш ҳамда глобал экологик муаммоларни бартараф этишнинг муҳим омили сифатида экологик маданиятли ахлоқли шахсни моделини шакллантириш муҳимлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинган, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертацияда илгари сурилган ғоялардан фалсафа, этика ва эстетика, ижтимоий фалсафа бўйича фан дастурлари, методик ишланмалар, ўқув курсларининг тегишли мавзулари доирасида ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон экологик партияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, табиатни муҳофаза этувчи ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. экологик ахлоқ табиат билан инсон ўртасидаги мувозанатни шакллантирувчи муҳим омил эканлиги ҳамда табиат компонентларига салбий таъсир қилувчи саноатни

ривожланиши оқибатидаги техноген ҳамда инсон таъсири натижасидаги антропоген омилларни бартараф этишда виждон, бурч, адолат каби ахлоқий категорияларнинг муҳимлиги борасидаги таклиф ва тавсиялардан «ЭКОСАН» экология ва саломатлик хайрия жамоат фондининг давлат гранти лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган («ЭКОСАН» экология ва саломатлик хайрия жамоат фондининг 2020 йил 27 февралдаги 01/1-11-8846-сон маълумотномаси). Натижада, грант лойиҳасини экологик ахлоқий муносабатларни шакллантирувчи маънавий мезонлар билан бойишига хизмат қилган;

табиат билан инсон ўртасидаги уйғунликни таъминлашда экологик танглик, ҳалокатларнинг олдини олишга хизмат қиладиган жамиятнинг ҳар бир аъзосида ахлоқий масъулият, маданиятни ошириш, инсон ўзи ва табиат олдидаги бурчини англай олиш жавобгарлигини ҳис этиш зарурлиги коэволюция ва инвойроментализм каби фалсафий назариялар борасидаги хулосалардан «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида эстетик тарбияни ривожлантиришнинг миллий асослари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида тайёрланган «Эстетика» асосий тушунчалар изоҳли луғати номли ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги 89-03-4485-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг эстетик дунёқарашини бойитиш ва мотивациясини оширишга йўналтирилган дидактик, ахлоқий-эстетик, ижтимоий-маънавий мезонлар изоҳли луғат мазмунини бойитишга хизмат қилган;

замонавий экологик маданиятга эга шахсни тарбиялашда табиатдаги гўзаллик ва улуғворликнинг намоён бўлиши экологик ахлоқни шакллантиришга таъсир этувчи, экологик дунёқарашни намоён қилувчи, табиатга оқилна муносабатни акс эттирувчи асосий таъсир воситаси эканлига ва оиладаги экологик тарбия, экологик таълим, ижтимоий муҳит, билан боғлиқ омиллари бўйича хулосалар Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятида фойдаланилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 1059-сон қарорининг «Болаларда атроф муҳит озодалиги, шахсий гигиена, табиатни асраб-авайлашга қаратилган экологик тарбия мазмунидаги «Она-табиатни асрайлик» рукнида тарбиявий роликлар яратилган» V боб 34-банди ижросини таъминлашда диссертация натижаларидан фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 29 августдаги 02/07-735-сон маълумотномаси). Натижада, ёшлар онгига «табиат-шахс-жамият» муносабатларини бошқаришда маънавий-ахлоқий мезонларга амал қилишнинг объектив қонуниятлари сингдирилган.

глобаллашув жараёнида экологик ахлоқни шакллантиришда масъулият тамойилининг инсониятда ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, унинг турли халқларда турли хил кўринишларда шаклланганлиги, ундаги

умумийлик ва алоҳидалик, миллий-маданият миллий мерос ва қадриятлар билан боғлиқлиги бўйича хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Қишлоқ ҳаёти», «Яшил олам», «Худуд» каби бир қатор теледастурлар ва телерадиоэшиттиришлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2020 йил 24 декабрдаги 04-25-1333-сон маълумотномаси). Диссертация натижаларининг амалиётга жорий этилиши телетомошабинлар онгида табиатга бўлган ахлоқий-маданий муносабатни ривожлантириш ҳамда экологик маданий фаолиятни шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 12 та республика илмий амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, хорижий журналларда 5 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация «Кириш», уч боб, тўққизта параграф, «Хулоса», «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, ишнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Экологик ахлоқни концептуал тадқиқ этишнинг фалсафий-методологик асослари**» деб номланиб, экологик ахлоқнинг назарий-методологик асослари, экологик ахлоқий муносабатларнинг ривожланиш жараёнлари таҳлил этилган. Шунингдек, экологик муносабатларни изчил ўрганишда экологик ахлоқий нормалар, «табиат-жамият-инсон» муносабатларини ижтимоийлашиш хусусияти ўрганилган. Экологик ахлоқий муносабатлар табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий амалиётдаги урф-одатлар, расм-русумлар, амалий анъаналари инсоннинг табиатга муносабатини, бошқариш механизми эканлиги аниқланган. Экологик ахлоқий муносабатлар табиатни муҳофаза қилишга қаратилган назарий билимлар мажмуи эканлигини асослаш мақсадида, экологик ахлоқ шаклланиши ва ривожланишининг объектив шарт-шароитлари ҳамда субъектив омиллари жамият тараққиётида тутган ўрни ва дунёвий худудий техник ва технологик ҳамда диний муносабатларни

мутаносиб тартибга солишнинг муқобил фалсафий метадологик йўналишга эга бўлган муҳим омил эканлиги асосланган.

Ушбу бобда экологик ахлоқ феномени шаклланиши ва ривожланишининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари, асосий йўналишлари ва тарихий ривожланиш босқичлари генезиси ўрганилган. Экологик ахлоқнинг ретроспектив асослари, глобаллашув эволюциясини ўрганиш жумладан, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларини асослашлар уларни даврийлаштириш тизимлари орқали тушунтиришга ҳаракат қилинган:

1.Мифологик (Биоген) давр: а) Инсон ва табиатнинг бевосита бирлиги ҳамда меҳнат фаолиятининг шаклланиши билан белгиланади. Инсон ташқи муҳитнинг мақсадга йўналтирилган ҳолда ўзлаштиришида ҳайвонот олами асосида қурол воситаларини такомиллаштиради; б) Ижтимоий ҳаёт тарзи ривожланишининг овчилик ва йиғувчилик жамоасига ўтиш даври; в) Неолитик революция натижасида деҳқончилик ва чорвачилик хўжалигига ўтиш даври.

2.Индустриал (Техноген) давр: саноат революцияси натижасида табиатни ўзлаштиришнинг энг эффектив усул сифатида индустриал ишлаб чиқариш ҳукмронлиги ва техника ривожланишига ўтиш даври.

3.Постиндустриал (Нооген) давр: информация ва ишлаб чиқариш ҳукмронлигида, постиндустриал жамиятда, экологик ахлоқий муносабатларга таянган жамият яратиш жараёнида инсон ва табиат ўзаро гармонизациясини яратиш механизмлари даври ҳисобланади.

«Табиат–жамият–инсон» муносабатларининг ҳар бир тарихий даврида инсоният мавжудлигининг ривожланишига мос экологик ахлоқий муносабатларнинг шакли вужудга келган ва турли даражада намоён бўлган. Белгилаб олишда муҳим бўлган жиҳатларига эътибор бердик.

Экологик ахлоқни шакллантиришга концептуал ёндашувнинг назарий-методологик асослари экологик ахлоқни шакллантиришнинг ғоявий фалсафий негизлари, тарихий даврлари, ижтимоий-маданий ҳаёти, қиёсий таҳлил орқали очиб беришда қадимги ёзма манбаларда, археологик, этнографик тадқиқот натижаларида кишиларнинг табиий яшаш шароити билан боғлиқ ўзига хос экологик ахлоқий муносабат вужудга келган. Дарҳақиқат, инсоният тарихининг дастлабки даврларида экологик ахлоқий муносабат табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган. Бунда Шарқ мамлакатлари назарий-фалсафий меросида табиат ва инсон жамият муаммолари инсоннинг ижтимоийлашуви ҳамда ривожлантирувчи омилларига боғлиқлиги асосланади. Тарихий тараққиётнинг объектив ривожланиш қонуниятларидан келиб чиққан глобал муаммолар инсоннинг ахлоқий муносабатининг омили сифатида кўзга ташланмоқда. Экологик ахлоқ шаклланиши ва ривожланишида янгича ёндашувларни кашф этиш жараёни муҳим аҳамият касб этишини белгилаб бермоқда.

«Табиат-жамият-инсон» муносабатларининг тарихий тараққиёт босқичлари ҳар бир даврнинг ўзига хос ғоялари билан ажралиб туради.

Инсон ва табиат, экологик ва ахлоқий онг, экологик муносабат инсон ва табиат ўртасидаги узвийликни ифода этади.

Инсон ва табиат қанчалик ажралмас қисм эканлигини кўрсатувчи, ёки аксинча, у билан қанчалик ажралиб қолиб, инсоннинг устунлигини кўрсатишга ҳаракат қилаётган қатлам глобаллашув жараёнидир.

Глобаллашув жараёнларининг эволюцияси кишилик жамиятининг кескинлашуви оқибатида ахлоқий муносабатларга зарур эҳтиёж ва объективликни шакллантиришга мушарраф бўлди. Глобаллашув шароитида ахлоқий муносабатларни ташкил этиш ўз навбатида экологик ахлоқий фаолликнинг восита ва белгиларини ифодалашга қаратилади. Биринчиси, экологик назарий ва амалий билимлар, иккинчиси, ижтимоий ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар йиғиндиси, учинчиси, маънавий ва ахлоқий кадриятлар. Бу воситаларнинг ўзаро бирлиги шахснинг ички таркибига ўзига хос йўналишда таъсир этиб, унинг «экологик ахлоқий сифатларни» белгиловчи аксиологик қонуниятларнинг мезонлар мажмуасини вужудга келтиради. Бунда экологик бошқаришнинг хусусиятлари ва самарадорлиги конкрет вазифаларни белгилайди улардан келиб чиқиб, субъектни айнан қайси воситани муҳим деб танлай олишига боғлиқ бўлади. Экологик ахлоқни субъектив ва объектив омиллари экологик таракқиётнинг ижтимоий ҳодиса сифатида детерминат хоссага эга бўлиши асосий омил сифатида эътиборга олинади. Билиш характеристикаси баробарида «объект» тушунчаси ташқи олам, борлик, воқеалик, хусусан, моддийликни ифодаласа, «субъект» инсонни, шахсни, индивидни ифодалайди. Демак экологик ахлоқий муносабатларнинг объективлик ва субъективлик хусусияти, ташқи олам борлиқнинг, бирламчи реалликда изоҳлайди. Бунда объект сифатида воқеаликнинг ижтимоий ходисаси даминант бўлса, субъект сифатида инсонларнинг ижтимоий ва ахлоқий фаолияти нуқтаи назаридан конкретлаштиради. Айтиш мумкинки, бу изоҳда инсон томонидан қўлга киритиладиган билим билан таққосланган «онг» тушунчаси конкрет ходисага айланади. Субъект онгнинг ўзи эмас, лекин шу вақтининг ўзида индивид–инсон амалий фаолиятининг ахлоқий мезонига айланади. Хулоса сифатида экологик ахлоқ шаклланиши ва ривожланишининг объектив ва субъектив омилларидан бири экологик фаолиятдир. Зеро, биз тадқиқотимизда «экологик мақсад», «экологик манфаат», «экологик мотив» категорияларини экологик барқарор таракқиётнинг асосий омиллари сифатида ўрганишга интилдик. Экологик мақсад ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида объектив механизмларини жорий этиш баробарида экологик манфаат ва мотивларни мураккаб тузилмаси асосида оптималлаштиришга интилиши ҳамда табиий ҳолда унинг негизида инсон фаолиятининг ахлоқий муносабатларини конкретлаштиришга интилишини кўришга ҳаракат қилдик. Бунда у ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий эҳтиёжлар кесимида экологик ахлоқий фаолиятни объектив мазмунга айлантиради. Экологик манфаат экологик вазиятнинг субъектини таъминлаш асосида табиатни муҳофаза этиш эҳтиёжи асосида мутаносиб шакллантиришга ҳаракат қилади. Экологик манфаат ахлоқий муносабатнинг

асосий омили сифатида объектив реалликни кашф этади. Инсон манфаатларини экологик воқелик билан улар ўртасидаги муносабатларни экологик эҳтиёжлар асосида фаоллаштиради, бу йўналишнинг амалий хусусияти, объективлик омили сифатида шаклланади демак, бу жараён экологик эҳтиёжлар негизида ахлоқнинг субъектив хоссасини детерминатлаштиришга ҳаракат қилади. Натижада экологик мотив инсон томонидан экологик эҳтиёжларнинг кескин тарзда купайиб бориши, уларнинг манфаат даражасига кўтарилиши жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимлар манфаатлари табақаланишига, шу билан бирга, экологик умумбашарий хавфнинг ошиб боришига имкон яратишини тушунтиришга интилдик. Хулоса қилиб, экологик ахлоқнинг объектив хусусиятлари универсал эҳтиёжларнинг ижтимоий тараққиёт даражасига мос равишда таққослантирилса, шундагина инсон томонидан табиатга бўлган ахлоқий муносабатни барқарорлаштириш мумкин бўлади. Яъни экологик ахлоқ ўзининг объектив ва субъектив хусусиятини намоён этишга ҳаракат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Глобаллашув жараёнида экологик ахлоқни шакллантиришда концептуал ёндашувнинг фалсафий хусусиятлари**» деб номланади. Ушбу бобда экологик ахлоқ шаклланиши ва ривожланишида антропоцентризм, биоцентризм, коэволюция ва ноосфера диалектикаси масаласи, экологик ахлоқнинг мезонлари, таркибий қисмлари ва асосий тамойилларини ёритишга ва асослашга интилган. Экологик ахлоқ илмий соҳа сифатида табиий ва инсоний борлиқни сақлашга йўналтирилган экан, ҳозирги даврдаги инқирозли ҳолатга нисбадан муносабат билдириши ва ахлоқий маданият соҳасидаги ўзига хос чуқур ҳолатларни ҳал қилишнинг турли ёндашувларини таклиф қилади, табиат билан жамият ҳамда инсонлар ўзаро муносабатларининг яхлит мажмуасини ўзида мужассамлаштиради. Шу сабабли, ушбу масалани ҳал этишда зиддиятчи глобал тенденциялардаги инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни англаб етиш тамомила табиий жараёнларни муҳим эканлигини исботлайди.

Марказий Осиёда бугунги кунда долзарб вазифалардан бири бўлиб келган Орол муаммоси ахлоқий муносабатларнинг шаклланиш ва ривожланиш ўсиш муаммолари билан боғлиқ бўлган масалалар устуворлигини белгилаб бермоқда. Орол муаммосини изчил ўзгаришда, аввало экологик ахлоқий муносабатларнинг асосини ташкил этиш ва ривожлантириш айнан мазкур масаланинг маълум маънода ижобий хусусиятларини татбиқ этишни тақозо этмоқда. Жумладан, БМТ Бош ассамблеяси Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияни қабул қилиниши, Оролбўйи минтақасидаги экологик, ижтимоий, иқтисодий ва демографик вазиятни яхшилашга қаратилган минтақавий тадбирлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашини мамлакатимиз учун муҳим бўлган стратегик йўлни белгилашга хизмат қилишини кўриш мумкин.

Глобал муаммоларнинг умумий ҳолатдаги ривожланиши фалсафанинг умумийлик ва алоҳидалик маҳсус ривожланиш стратегияси асосида юзага келади. Бугунги кунда экологик инқирозларнинг олдини олишда, уларга илмий-фалсафий ҳамда ижтимоий жиҳатдан концептуал тарзда ёндашишда экологик ахлоқни шакллантириш ва фаоллаштириш масаласининг муҳимлиги белгиланиб бормоқда.

Бунда экологик ахлоқий муносабатларнинг асосий кўриниши ва структураси муҳим аҳамият касб этади. Табиат ва жамият муносабатларини ифода этишда, инсоннинг табиат ва атроф муҳитга бўлган ахлоқий муносабатининг шакли ва усуллари, норма ва принциплари аксиологик ва диний ёндашувлари негизида ифодаланади. Табиатга ва жамият муносабатларини акс эттиришда ахлоқий принцип ҳамда тамойилларнинг устуворлиги ҳозирга кунда бу жараёнларнинг тарихий шаклланган босқичларини изоҳлаш баробарида уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини белгилаш заруратга айланмоқда.

Бугунги кунда экотизимнинг компонентларига салбий таъсир этувчи техноген ҳамда экологиянинг салбий ўзгаришлари, экологик муаммоларни келтириб чиқараётган антропоген омилларни аниқлашда экологик ахлоқнинг асосий мезонлари ва тамойиллари нормаларини ўрни ва заруратини ифода этмоқда. Масалан, Антропоцентризм (юнонча, антропо-инсон, центр-марказ) инсонни (энг олий қадрият ва табиат сифатида (унинг мулки сифатида); табиатнинг инсон ҳаракати объекти сифатида қабул қилинишига; табиатнинг эгаси саналувчи инсонни барча манфаатлар нуктаи назаридан ўрганиш ҳуқуқини берувчи, олам яралишининг олий мақсади бўлган) инсонга қарама-қарши қўяди ва инсонни олий химмат деб эътироф этади. А.Гусейновнинг фикрига кўра, ахлоқ бугунги кунда дунёқарашлар йўриқномасида ҳукмронлик қилади, унга кўра воситаларнинг мақсади сифатида инсон ва табиат кескин қарама-қарши қўйилиши зарур¹².

Экоцентризм – экологияликка йўналганлик ҳамда инсон ва табиат ўртасида қарама-қаршилиқнинг мавжуд эмаслиги, бунда инсон билан тенг ҳуқуқли объект сифатида инсон ва табиат ўртасидаги прагматик ҳамда нопрагматик ўзаро таъсирлар ўртасидаги мувозанат кузатилади (бу ёндашувга мисолни Шарқ диний тизимлар ва назариялардан топиш мумкин, фалсафада эса ўрта асрлардаги “экологлар асосчиси” бўлган Франциско Ассизский ғояларида буюкликка эга бўлган инсон табиатда мавжуд бўлган барча жонзотларга ва уларнинг ички қийматига эътибор қаратганига урғу берилган) албатта, бу назария ҳам маълум маънода теологик ёндашув негизида шаклланганлиги кўзга ташланади.

Биоцентризм–барча жонли мавжудотлар, уларнинг ташкиллашув даражасидан қатъи назар, экологик тизимлар, яъни, (манфаатларни ошқора қилиш йўли орқали мақсад субъектлари бўлган тубан ҳайвонлар ва онгдан маҳрум этилган ўсимликларни ҳаётий мақсадларини акс эттиришда унинг

¹² А.Гусейнов. Нравственная философия и этика: линия разграничения. Этическая мысль. 2019. Т. 19. No 2. С. 5–16 УДК 17.01 17.02 Ethical Thought. 2019, Vol. 19, No. 2, pp

сабаблари шахсий манфаатларини қамровчи) мақомга эга эканликлари эътироф этилади. Ҳозирги экологик инқироз шароитида инсониятнинг барча тирик мавжудотларга бўлган муносабати биоцентризм асосида фаол даражада бўлиши сайёрамиз экотизимидаги ҳолатларга баҳо беришда тирик мавжудотларнинг экотизимда янада йўқ бўлиб кетмаслигини таъминлаши мумкин. Экологик ахлоқнинг долзарблиги ҳам глобал экологик муаммоларнинг барчасини классификация қилиниши натижадда бу муаммоларнинг турли кўриниши ва турлича талқини ахлоқий ёндашувларнинг мазмунини очиқ беришга хизмат қилади..

Коэволюция –(ко бошқа тилларда биргаликда, бутунлик маъносини билдиради.: лот. *evalitio*-авж олдириш. ривожлантириш). Бу ўзаро боғлиқлик биргаликдаги эволюцияни ташкил этади. Бу тушунча ҳозирги замон фанида бир бутун системани ташкил этувчи элементларнинг ўзоро мослашган ўзгарувчан механизминини белгилайди. Бу тушунча биологияда вужудга келиб, секин-аста умуммиллий категория мақомига эга бўлган. Фалсафада бу тушунча икки маънода қўлланилади. Кенг маънода, барча биосистемалар доирасида бир бутун яхлит биосфера даражасигача булган жабҳаларни мослаштириш баробарида уларнинг ривожланишини ва ўзгарувчанлигини билдиради. Тор маънода «коэволюция» тушунчаси биосфера инсон жамиятининг биргаликдаги ривожланиш жараёнини англашда «жамият ва табиат» системасида қўлланилади. Жамият ва табиат коэволюцияси концепцияси инсон эҳтиёжларини ва бутун биосферанинг гармоник муносабатини аниқлаш муҳимлигини белгилаб беришда муҳим омил ҳисобланади. Аммо бунда икки жиҳат мавжуд инсоннинг табиат устидан ҳукмронликка интилиши ва табиатга итоаткор бўлишдан сақланмоқлик масаласи ётади.

Теоцентризм концепциясини фалсафий мушоҳада этиш жараёнида экологик инқирознинг сабаб ва оқибатлари Худонинг мукамаллигига асосида амалга оширилади. деган ғоя илгари сурилади. Теоцентризмда Оллоҳ ягона, абсолют мукамал, энг юқори мавжудот, ҳаётнинг манбаи сифатида тушунтирилган.

Экологик ахлоқнинг бош мезонларидан бири бу гуманистик ғоялардир. Табиатга инсонинг нечоғли инсонпарварлик ғоялари асосида ёндашиши табиат муҳитида эзгулик ва ёмонликни ажрата олувчи меъёрларни шакллантира олиш қобилиятига эга бўлишини эътироф этиш мумкин. Инсон қалбида асосий вазифаларидан бири ҳаёт ва умумбашарий ахлоқий меъёрлардир. Кўпчилигимиз ахлоқ деганда қандайдир, мавҳум, минглаб йиллар муқаддам пайдо бўлган, ўзгармас, барча инсоний муносабатларимиз, ҳатто, соф шахсий қилмишларимизни ҳам тартибга солиши керак бўлган «куч»ни тушунамиз. Бу «куч», асосан виждон, у Худонинг қонуни ёки бирор мифологик образда ифодаланади. У мутлақ бўлгани боис ўзгармайди, замон ва маконни тан олмайди, ҳар қандай шароитда инсон хатти-ҳаракатларига баҳо беришнинг бирламчи мезони сифатида ўртага чиқади. Кенг тарқалган айтилиши шу нуқтаи назарга таяниб, ижтимоий муносабатлар, кадриятлардаги ҳар

кандай ўзгариш ё тубан кетиш ёки ахлоққа мувофиқ, дея баҳоланади. Лекин ахлоқ инсоний комолот даражасини белгилаб берувчи маънавий ҳодисадир.

Биз ахлоқнинг мутлақ эканлиги, ўзгармаслиги ва барча замонлар, маконлар учун ягона бўлишини инкор қиламиз. Уни мавжуд шароит ва эҳтиёжларнинг ҳосиласи, ўз навбатида, ўша шароитга таъсир этувчи меъёрлар йиғиндиси сифатида кўрамиз. Меъёрлар рационал йўсинда асосланадими, илоҳий куч номи билан асосланадими ёки шунчаки мажбурлов билан – бунинг аҳамияти йўқ. Асосийси ахлоқ муайян жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиб турувчи ва ўша жамиятдаги бирлик, барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи меъёрлар йиғиндиси эканлигини исботлашдир. Тадқиқотимизни ҳисобга олиб, ахлоқни замонга мувофиқ тарзда ўзгариб борувчи динамик ҳодиса, деб ҳисоблаймиз.

Экологик ахлоқ ўзи қандай асосланади деган савол пайдо булиши табиий. Экологик ахлоқ ахлоқий муносабатларни шакллантириш жараёнида юзага келган норма, меъёр сифатида шаклланган. Экологик ахлоқ- инсоният ва табиатни муҳофаза этишга қаратилган назарий ва амалий фаолият бўлиб унда инсоннинг руҳияти, ҳиссиёт ва дунёқараши асосида табиий интилишларни қамраб олган ижтимоий онг шакллари экологик мақсад ва манфатлари доирасида мужассамлигини ифодалайди. Экологик ахлоқни шакллантирувчи асосий омиллар тарбия ва таълимдир. Бугунги кунда экологик ахлоқ тушунчасини жамият ҳаётига сингдириш ва асослаш келажакдаги истиқбол йўллари белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Масъулият тамойили инсониятнинг ахлоқий фазилатларини ривожлантиришга ҳисса қўшади, инсоний кадриятларда бўлган иймонни мустаҳкамлайди: севги, дўстлик, ўзаро ёрдам, инсоннинг фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади. Бу тамойил инсон фаолиятининг натижалари асосида келажакда инсон ҳаётининг давомийлиги учун келажак авлоднинг барқарор ривожини учун зарурат туғдиради.

Оила, маҳалла, таълим-тарбия масканларида нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятида экологик ахлоқ тушунчасинини фаоллаштириш уни ривожлантиришга оид кўрсатмалар бериш экологик ахлоқнинг асосий омиларини фаоллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш йўлига қадам ташлаши қуйидаги энг муҳим тамойилларга асосланади. Биринчидан, экологик хавфсизлик иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлик билан бир қаторда мамлакат миллий хавфсизлигининг ажралмас қисми бўлиши лозим. Иккинчидан, барқарор ривожланишни таъминлаш учун ҳамма субъектларни қамраб олган ҳолда экологик, иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлик нуқтаи назаридан атроф-муҳитга таъсири бўлган барча турдаги табиий ресурслар ва манбаларнинг яхлит тизимини шакллантириш зарур. Учинчидан, барқарор ривожланишни бошқариш тизимининг доимийлиги ва унинг экологик ҳамда кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга ошириш билан мутаносиблигини таъминлаш даркор. Тўртинчидан, ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазият ҳисобга олинган ҳолда барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган

тадбирларнинг устуворлигига эришиш керак. Масалан, биз буни куйидаги схема бўйича асослашга интилдик:

И - аҳолининг умумий атроф-муҳитга таъсири;

П - аҳоли сони;

А -ресурслардан фойдаланиш бўйича аҳоли жон бошига ҳаражат ва даромадни баҳолаш;

Т-аҳоли жон бошига тўғри келадиган иқтисодиётнинг технологик ривожланиш даражаси.

Ушбу оддий ИПАТ формуласига асосланган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, бой технологияга эга давлатлар иқтисодий жиҳатдан паст коэффицентга эга давлатларга нисбатан олиб қараганда, атроф-муҳит ва аҳоли жон бошига ўз таъсирини кўпроқ ўтказар экан. Бу тажриба Канада ва Хитой давлатларида олиб борилган, ИПАТ ўсиш кўрсаткичлари айнан шу жараёни изохлашга уринганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон шароитида ИПАТ формуласи асосида аҳоли жон бошига тўғри келадиган иқтисодиётнинг технологик ривожланиш даражасини ўзлаштирса, аҳолининг умумий атроф-муҳитга таъсири ва унинг олдини олиш жараёнида экологик ахлоқий муносабатларнинг объектив ва субъектив шарт-шароитларини вужудга келиш компонентларини аниқлаш имконига эга бўлади. Биз тадқиқотимизда мазкур формула бўйича экологик ахлоқ ғояси глобаллашув жараёнидаги иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари таҳлил қилишга ва такомиллаштиришга хизмат қилишини кузатдик. Демак, ИПАТ формуласи иқтисодиётнинг ривожланувчи секторларига ҳам таъсир ўтказиш хусусиятини ўзида бирлаштира олган. Бу формула технологияларнинг оптимал усулларини ёритишда инсониятнинг атроф муҳитга етказаётган зарарини таҳлилий ва қиёсий усулда аниқлаштириш имконини бера олади.

ИПАТ формуласи айнан иқтисодиётни ривожлантириш баробарида экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳам кенг фойдаланиш имконини беради. Бу формула негизида биз тадқиқот объектларини белгилашга ҳаракат қилдик. Экологик ҳуқуқ бузарликларнинг олдини олишда давлатимиз томонидан олиб борилган қатор тадбирлар ва норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши тадқиқотимиз йўналишларида муҳим ўрин тутган.

Ҳар қандай замонавий таълим-тарбия моделида экоэтика қадриятларини шакллантириш, экологик аксиологиянинг асосий вазифаси қилиб кун тартибига қўйилган. Буни фақат инсониятнинг илмий педагогик-дидактик тамойилларга кўра, оқилна ташкиллаштирилган ва бошқариладилган узлуксиз экологик таълим-тарбияга мутасадди институтлар фаолиятини интеграциялаштириш орқали амалга ошириш керак балки бу қадриятларни сақлашга бўлган эҳтиёжни ҳам рағбатлантириш зарур.

Хулоса қилиб, юқорида айтиб ўтилган фалсафий концепцияларга асосланган ахлоқ ва этика барқарор ривожланиш принципи ҳисобланади. Унинг мақсади антропоцентриқ ва биоцентриқ ахлоқий тизимларнинг

муаммоли соҳаларида синтез қилиниб, муаммога нисбатдан яхлит механизмни ишлаб чиқишга қаратилган. Демак, антропоцентризм ва биоцентризм мезонларини замонавий эко-этика ёки ахлоқий аксиологик асоси деб ҳисоблаш учун муайян маънода йўналишлар мавжуд. Бу келажакда замонавий жамият томонидан намоён бўлаётган глобал муаммоларнинг катта қисмини ҳал қила оладиган ижтимоий-табиий ривожланган эволюцион тизимнинг шаклланишига олиб келади. Барқарор ривожланиш инсониятнинг омон қолиш стратегияси ва доимий эволюциясини таркиб топишига хизмат қилади табиий муҳит ва биосферанинг сақланиб қолиши учун заруратга айланади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Глобаллашув жараёнида экологик ахлоқни ривожлантиришнинг имконият ва истиқболлари**» деб номланиб, унда бугунги кундаги экологик муаммолар ва уларнинг ечимини илмий жиҳатдан асослаш, ҳамда амалда татбиқ этиш, амалий ва назарий ёндашувларга эътибор қаратилган. Давлатимиз маданий ва маърифий тараққиёти ривожда муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларни белгилаш ҳамда такомиллаштиришда экологик ахлоқ ривожланишининг имкониятларини кенгайтириш зарурати асосланган. Бугунги кунда ёшларда экологик ахлоқий маданиятни, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кўникмасини шакллантириш, уларнинг экологик билимларини янада бойитиш борасидаги қатор муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Экологик ахлоқ тушунчаларини белгилайдиган асосий мезонлар бу маънавий олам инсонинг ички дунёсидир. Маънавий олам экологик ахлоқнинг асосий меъёрларини ўзида акс эттирувчи борлиқдир. Бу олам моҳиятида яхшилик ва ёмонликни ажрата олиш хусусиятлари инсон фазилятлари асосида бошқарилиб борилади. Ахлоқсизлик иллатлари ёвулик тамойилларини шакллантирар экан, демак ахлоқий иллатлар экологик ахлоқсизликни ҳам келтириб чиқишга сабаб бўлади. Экологик ахлоқни белгилайдиган асосий тушунча меъёрдир. Меъёр айнан экологик ахлоқни мувозанатини сақлашда, ҳамда ахлоқсизликнинг асосий иллатларини бартараф этишга қаратилган мезондир. «Ахлоқий-экологик тарбия» тушунчасининг концептуал тарзда жорий этиш асосида нафақат табиатни илмий англаш билимларга таяниш зарурлиги, балки экология фанининг ўзига хос кўп тизимли соҳа сифатида фаолият юритишини кўриш мумкин. Экологик онг, экологик дунёқараш, экологик маданият каби тушунчалар экологик ахлоқий тарбияни асосини ташкил этади. Экологик ахлоқий онг, тириклик борлигини тушуниш, атроф-муҳитга бўлган муносабатни маъсулият орқали англаш уни фаолият турига айлантиришни ифодалайди. Экологик ахлоқий дунёқараш кенг қамровли тушунча бўлиб, уни аспектларини очиб беришда экологик фаолликни юзага чиқаруқчи мотивлар, асослар йўналишлар белгилан, экологик ахлоқнинг асосий тамойиллари айнан экологик ахлоқий дунёқарашни асословчи омил сифатида юзага чиқади. Экологик ахлоқий маданият тушунчасига таъриф беришда куйидаги хулосаларга келинди. Экологик маданият – тирик мавжудотлар

